

## ВОЛОНТЁРЛИК ФАОЛИЯТИ – САХОВАТ ТИМСОЛИ СИФАТИДА

Мунарова Р.Ў. Амалий психология

факультети катта ўқитувчиси,

Абдумуминова Г.О. 2 курс талабаси

Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада волонтерлик фаолияти хақида сўз боради. Ўзбекистонда кўнгиллиларни ривожлантиришнинг концептуал ва қонунчилик асослари таҳлил қилинди. Кўнгиллиларнинг айрим йўналишларининг хусусиятлари ва ушбу соҳадаги давлат сиёсати кўриб чиқилди.

**Калит сўзлар:** волонтерлик (кўнгиллилик), кўнгиллилик, кўнгилли фаолият, муоммо, педагогик – психологик асос, қонун.

**Annotation.** This article is about volunteering. The conceptual and legislative foundations for the development of volunteering in Uzbekistan are analyzed. The features of some areas of volunteering are considered, as well as state policy in this area.

**Key words:** volunteering, volunteering, volunteer activity, problem, pedagogical - psychological basis, law.

Бизга маълумки Волонтерлик фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 6 ноябрда қабул қилинган, Сенат томондан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган. Ушбу қонунда волонтерлик, волонтерлик фаолияти, вонтерлик акциялари, волонтерлик ташкилотлари ва волонтерлик мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Инсонларга имконқадар ёрдам бериш, мушкулени, ёки муоммосини ҳал этишга кўмаклашиш, яхшилиқ қилиш ёки саховат кўрсатиш бугунги куннинг долзарб муоммоларидан биридир. Ушбу муоммога психологик – педагогик жиҳатдан ёндошган ҳолда ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунинг учун талабалар орасида волонтерлик фаолиятини самарали ташкил

этиш ва фаоллаштиришнинг психологик – педагогик асосларини яратиш жоиздир.

Сўнги йилларда тилимизда ва адабиётларда волонтер, волонтерлик фаолияти каби атамалар тез - тез учраб турибди. Хўш волонтер ўзи ким?

Ушбу саволни жавобини тўлақонли изоҳлаш мақсадида луғатларга муурожаат қиламиз.

**Волонтер** (фр. volontaire) - доброволец; лицо, добровольно поступившее на военную службу.<sup>1</sup>**Волонтер** француз тилидан олинган бўлиб, фр. volontaire) - кўнгилли; ҳарбий хизматга кўнгилли киришувчи деган маънони англатади.

**Волонтер** – волонтерлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс.

**Волонтерлик**–фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ёки волонтерлик ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ихтиёрий фаолиятни амалга ошириш.

**Волонтерлик фаолияти** – жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, эркин хоҳиш – иродага кўра бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият.

Волонтерлик фаолиятининг тарихига назар солсак, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кимгадир чин кўнгилдан самимий ёрдам бериш хаттоки зардўштилик динининг китоби Авестода ҳам айтиб ўтилган. Авестода эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал каби аҳоқий тушунчалардан ҳам пайқаш мумкинки, ўша пайтларда ҳам волонтерлик тушунчасига хос бўлган инсонларга самимий чин юракдан, беминнат, беғараз ёрдам бера олишлик энг олий фазилятлардан бири бўлган.

Алишер Навоий улуғ саховатпеша инсон бўлганини биламиз ўнлаб олиму шоирлар, санъаткорларга ҳомийлик қилган, юзлаб кишиларга моддий ёрдам берган, қанчадан – қанча ноёб асарларнинг дунёга келишида илҳом ва

---

<sup>1</sup> Словарь иностранных слов под ред. И.В.Лёхина и проф. Ф.Н. Петрова М. 1955 Г. стр 143

куч бағишлаган, истеъдод соҳибларини қаноти остига олиб, тарбиялаган. А.Навоий яна кўплаб мадрасалар, мақбаралар, ҳаммом ва тегирмонлар, боғлар барпо этган. Умрининг охирида эса қолган барча мулкни маърифат масканларига вақф қилиб қолдиришни васият этди. У ўз ғояларини ўзи ҳаётга татбиқ этиб, тарихда энг улуғ ҳомий номини олди.

Дарҳақиқат, биз мазкур мавзуни ёритишда тарихга назар ташлаб буюк саховат тимсоли бўлган Навоийнинг қилган саховатпеша ишларидан бошламадик. Бугунги кунда ҳам инсонлар орасида кимгадир ўзининг яхши сўзи, яхши фикри ва яхши амали билан сидқидилдан ёрдамлашаётганлар бисёрдир.

Волонтёрлар – ижтимоий ишларнинг асоси ҳисобланади. Талабалар орасидан кўнгилли волонтёрларни танлаб олиш ва уларга волонтёрлик фаолиятининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва самарали ташкил этиш лозим. Волонтёрлар кишиларга қисқа вақт ичида инсонларга ишонч, умид уйғотиш мақсадида турли психологик тренинглар уюштирадилар, уларга моддий, маънавий ёрдам бериш, уларда ҳаётга бўлган ишонч туйғусини уйғотиш мақсадида турли хашарга ўхшаш мақсадли ёрдам бериш ҳар бир волонтёрда альтруизмни шаклантиришга сабаб бўлади.

Ижтимоий муҳофазага эҳтиёжи бор шахсларни топиб, уларнинг ҳаёт тарзини ўрганиб, уларнинг турмуш тарзини психологик, моддий ва маънавий жиҳатдан ўзгартириш лозим. Ногиронлиги мавжуд бўлган болаларга (боғча ёшидаги, мактаб ёшидаги) соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш мақсадида улар билан индивидуал ва гуруҳ шаклида турли бепул маданий тадбирлар ташкил этиш, уларга руҳий ва моддий ёрдам бериш мақсадида турли ҳунарларни ўргатишдан иборат. Масалан тўқиш, тикиш, расм чизиш, турли нарсалар ясаш, салатлар, ширинликлар, тансиқ таомлар пишириш, кераксиз, ёки эскирган, истеъмолдан чиққан буюмлардан керакли буюмлар яратиш ва бошқалар. Нафақадаги инсонларнинг (масалан устозлар, врачлар ва боқалар) уйларига ташриф буюриб уларга ёрдам бериш, вақтни мазмунли

Ўтказишига ёки фойдали иш билан шуғулланишлари (боғ ишлари, ховлидаги ишлар, бозор ўчар ишларига) учун кўмаклашиш лозим.

Меҳрибонлик уйлари, Қариялар уйлари, махсус интернатларга ташриф буюриб, уларга сидқидилдан ёрдам бериш.(Маънавий, маданий, психологик ёрдам бериш ва уларга ўзлари тиккан ёки тўқиган кийимлар, ёки ясаган нарсалардан ва бошқалардан олиб бориб бериш.) Шу билан психологик, маънавий ва хатто иқтисодий самарадорликка ҳам эришиш мумкин. Асосийси ёрдам олаётган ҳар қандай инсон ўзининг жамиятда тўлақонли шахс ва инсонлар учун керак эканлигини руҳан ҳис қилишлари учун муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда айниқса бутун дунёда кечаётган короновирус пандемияси даврида айниқса волонтерлар хизмати сезиларли намоён бўлмоқда. Улар шундай карантин даврида инсонларга сидқидилдан ёрдам беришмоқда, яъни эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат, дори дармонларни етказиб беришда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистонда ҳам саховатли инсонлар бисёр, улар кишиларга ҳар томонлама кўмак бериб келишмоқдалар, турли хайриялар уюштирилмоқдалар.

Ушбу мавзуни А.Навоийнинг қуйидаги мисралари билан тугатсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,

Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Яъни баъзида бир яхши сўз юз ганждан фойдалироқдир.

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,

Футувват барча қилмакдур, демак йўқ<sup>2</sup>.

Яъни: саховат фақат мол – мулк ошиб – тошиб ётганда, бировга ҳиммат қилиш эмас, балки борини баҳам кўриш. Бой савоб тамаъида инъом этган

---

<sup>2</sup> А.Навоий “Хайратул аброр” достони.

бўлса, дарвеш бутун вужуди билан сахий бўлгани учун шундай қилади<sup>3</sup>. Бундайларни Навоий “сахийи жибиллий”, яъни асл зотида саховати бор кишилар, одамийлар одамийси деб атайди.

Демак, волонтерлик фаолиятини ташкил этиб инсонларга кўмак бериш учун талабаларда психологик - педагогик билимга эга бўлиши лозим. Ёш волонтерларни тайёрлаш ва уларнинг фаолиятини мақсадли ташкил этиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. А. Навоий “Ҳайратул аброр” достони.
2. Н. Комилов. Хизр чашмаси. Т: “Маънавият”, 2005 й. 15 бет.
3. Словарь иностранных слов под ред. И. В. Лёхина и проф. Ф. Н. Петрова М. 1955 Г. стр 143

---

<sup>3</sup> Н. Комилов. Хизр чашмаси. Т: “Маънавият”, 2005 й. 15 бет.